# Qishloq hayoti

2009 йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2009 YIL 18 AVGUST, SESHANBA, 98 (7559) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Мустақиллик йилларида мамлакатимиз бозорларига бўлган талаб ва эътибор янада ортиб, шарқона усулларимиз замонавий безаклар билан уйғунлашиб, ажиб манзара кашф этди. Халқимиз яратган маҳсулотлар, ноз-неъматлар билан тўлди.



2009 йилнинг охирига қадар банк томонидан "Боёвут қурувчи" хусусий корхонасига бетон плиталарни ишлаб чиқариш учун 250 миллион сўм, "Бек транс промбизнес" қўшма корхонасига ғишт заводи қуриши учун 300 миллион сўм миқдорида кредит ажратиш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда.



14-15 август кунлари Олий лига жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 17-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Турнинг кутилмаган натижаси Олмалиқда қайд этилди. Мусобақа пешқадами "Бунёдкор"нинг энг яқин таъқибчиси "Пахтакор" жамоаси меҳмонда "Олмалиқ"дан 1:0 ҳисобида енгилди.


саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда


## МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР

**Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 19 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида "Мустақиллик биз учун – ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган адабий-бадиий кечалар, давра суҳбатлари, турли маданий-маънавий тадбирлар ташкил этилмоқда, маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказилмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб нишонлаш учун ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилмоқда.**

**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Абдулла ҚЎЛДОШЕВ истиқлол байрами арафасида эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

Абдулла ҚЎЛДОШЕВ:

## БАЙРАМЛАР ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЎТИШИ УЧУН БАРЧА ЧОРАЛАР КЎРИЛГАН

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий юксалтириш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни доимо мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзуларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Шу сабабли ҳам Ватанни муқаддас деб билувчи ва уни асраб-авайлашни ўзининг фуқаролик бурчи деб билган ҳар бир юртдошимиз мамлакатимиз мустақиллиги байрамини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш учун доимо катта тайёргарлик кўради.

Халқимиз орзиқиб кутадиган байрамимиз — Мустақиллик айёми яқинлашиб келаётган шу паллаларда юртимиз ўзгача кўрку тароват касб этмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида қад ростлаётган замонавий иншоотлар, хушманзара масканлар, гулларга бурканган ораста хиёбонлардан кўзингиз қувнайди. Қишлоқларимизда бунёд этилаётган замонавий таълим-тарбия, тиббиёт муассасалари, уй-жойлар юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳлининг ҳаёт даражасини оширишга йўналтирилган ишлар юксак самаралар бераётир.

Мустақиллик байрамига ҳамоҳанг тарзда 2200 йиллик тўйи нишонланадиган Тошкент шаҳрида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари кўлами янада кенгайган. Бетакрор диёримизнинг кўрку таровати ўзида намоён этган бош шаҳримизнинг шукуҳига шукуҳ қўшаётган кенг ва равон йўллар, кўприк ва транспорт боғламалари барчанинг эътиборини тортади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалишида, халқимиз фаровонлигининг мунтазам ошиб бораётганида юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳим омил бўлаётир. Энг катта бойлигимиз — тинчликни мустаҳкамлаш, осуда ҳаётни таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, балки ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканини юртдошларимиз яхши биладилар.

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида бетимсол ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, диёримизда тинч, осойишта ва обод ҳаётни барпо этиш ўз ўзидан бўлаётгани йўқ. Терроризмга қарши кураш дунё миқёсидаги долзарб муаммо бўлиб турган ҳозирги вақтда халқимизнинг осуда ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этади. Шу боис Мустақиллик — умумхалқ байрами шодиёналарининг мамлакатимиз бўйлаб тинч, осойишта, юксак савияда ўтишини таъминлаш мақсадида вазирлигимиз томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва у изчил амалга оширилмоқда.


(Давоми 2-саҳифада)





Қўҳна Марғилон замини азалдан ўз ҳунармандлари билан машҳур. Бугунги кунда шаҳарга келган чет эллик сайёҳлар "Ҳунарманд уюшмаси" Марғилон туманлараро бўлими биносида жойлашган кўргазма залига ташриф буюради. Айни кунда марғилонлик моҳир уста ҳамда устазодаларнинг, қўли гул чеварларнинг санъаткорона меҳнати маҳсули бўлган буюмлар чет эл давлатларига ҳам жўнатилмоқда. Ушбу шаҳардан олиб кетилган эсдалик буюмларини Европа ва Осиё мамлакатларининг музейларида, ўзбек санъати ихлосмандларининг уйларида кўплаб учратиш мумкин.

СУРАТДА: Марғилонлик уста ҳунармандлар.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

## Наманганда гул байрами



**Наманганда 49-анъанавий "Гул байрами" бўлиб ўтди. Унда қатор ташкилот, корхона ва ўқув муассасалари жамоалари ҳамда хусусий гул етиштирувчилар иштирок этишди.**

Ранг-баранг анвойи гуллари билан барчанинг эътиборини қозонган Наманган шаҳридаги "Нотўқимачи" ҳиссадорлиқ жамияти аъзолари олий ўринга лойиқ деб топилди. Биринчи ўрин гулчи Илҳомжон Тоҳиров ҳамда "Наманганмаш" ҳиссадорлик жамияти жамоасига насиб этди. Иккинчи ўринни эса гулчилар Аҳмаджон Султонов, Абдулаҳад Муродов ҳамда Наманган муҳандислик педагогика институти ва Наманган шаҳар тиббиёт коллежи жамоалари эгалладилар.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб ўтказилган "Гул байрами" тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Зеро, гуллар гўзаллик, осуда ва фаровон ҳаёт ҳамда бахт-саодат рамзи сифатида дилларимизни нурафшон этади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Наманган вилояти*

## Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

## Ишловнинг сифати – мўл ҳосил кафолати

**Асад қуёшидан тафт олган далаларда ғўза ниҳоллари баравж ривожланади. Бугун пахтакор яхши маънода ҳаловатини йўқотган, яъни барча саъй-ҳаракат ғўза парваришига қаратилган. Қарши туманидаги "Норов Рамз" фермер хўжалигида ҳам шундай жўшқин ҳаёт кечмоқда.**

– 37 гектар майдонда ғўзанинг "Бухоро-102" навини парвариш қиляпмиз, – дейди фермер Рамазон Норов. – Бу йил биз пахтакорлар учун жиддий синов йили бўлди. Баҳордаги ёғингарчиликлар туфайли чигитни ҳар йилгидан 15-20 кун кеч экдик. Шу боис ишловга алоҳида эътибор қаратдик. Ниҳолларни икки марта "шарбат" сувига қондирдик. Саккиз марта минерал ўғитлар билан, имкон даражасида кўпроқ гўнг билан ишлов бердик. Механизатор Бобомурод Турсунов "МТЗ-80" русумли чопиқ тракторини юқори унум билан ишлатди. 14 нафар аъзоларимизнинг барчаси ғўзалар атрофида парвона бўлди. Бугун меҳнатларимиз ўз самарасини бера бошлади. Ҳар туп ғўзада 15-18 тадан тўк кўсак бор. Ҳосилга ҳосил қўшиш ойида улар яна 10-12 тага кўпаяди. Хуллас, ҳозирда ниҳоллар ўтган йилги ривожланиш ҳолатига етиб олди.

Ҳосилга ҳосил қўшиш ойида ниҳоллар яна икки марта суғорилиб, тўрт марта сифатли ишловдан чиқарилади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Қашқадарё вилояти*



**Термиз шаҳридаги «Ал-Баҳодир Нор» кўп тармоқли хусусий корхонасида замонавий технология асосида гилам тўқиш йўлга қўйилди. Бу ерда кунига 200-300 квадрат метр сифатли гилам тайёрланмоқда.**

## СИФАТЛИ ГИЛАМЛАР

— Маҳсулотимиз сифати ва нисбатан арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда, — дейди корхона директори Муҳиддин Маллаев. — Турли ўлчамдаги гиламлар буюртмачиларга пешма-пеш етказиб берилаётир. Ички бозорда маҳсулотимизга эҳтиёж юқори бўлгани учун ишлаб чиқариш қувватини ошириб, янги иш ўринлари ташкил этишни мўлжалламоқдамиз.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Сурхондарё вилояти*

## ВАДИМ МЕНЬКОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!



**Канаданинг Дартмут шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтаётган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Вадим Меньков олтин медаль соҳиби бўлди.**

Каноэда эшкак эшиш бўйича яккаликлар ўртасида 1000 метрлик беллашувларда ўзбекистонлик спортчи барча рақибларини ортда қолдирди. Ҳамюртимиз финал баҳсида маррага бир неча метр қолганида франциялик Матье Жубелдан ўзиб кетди. Учинчи ўрин германиялик Себастьян Бренделга насиб этди.

Вадим Меньков айни пайтда бир километрга каноэда эшкак эшиш бўйича дунёнинг энг кучли спортчиси сифатида жаҳон рейтингида биринчи ўринни эгаллаб турибди. У халқаро майдондаги дастлабки салмоқли ютуғини 2006 йилда қўлга киритган. В.Меньков ўша йили Қатарнинг Доҳа шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида минг метр масофани биринчи бўлиб босиб ўтган, шу йили Польшада жаҳон кубоги мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаган. Кейинчалик Осиё чемпионатида эса шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган.

В.Меньков 2008 йилда жаҳон кубоги мусобақасида кучли учликдан жой олди. Истеъдодли спортчимиз Пекинда ўтказилган Олимпиада ўйинларида ҳам муносиб қатнашиб, 1000 метрга ўтказилган беллашувларда тўртинчи поғонани эгаллади ва осиёлик эшкак эшувчилар ўртасида энг юқори натижани қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 25 августда эълон қилинган "Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига асосан Вадим Меньков "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирланди.

Моҳир спортчимиз учун 2009 йилги спорт мавсуми жуда самарали бўлди. Таниқли мураббий Александр Пономарёв раҳбарлигида шуғулланаётган В.Меньков жаҳон кубогининг Рачице (Чехия) ва Познань (Польша), Сегед (Венгрия) шаҳарларида ўтказилган уч босқичида бир километрга эшкак эшиш бўйича битта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритди ва жаҳон кубоги-2009 мусобақасининг якка пешқадами бўлди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**


Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

